

**TARIX  
ATAMALARINING  
IZOHЛИ LUG‘ATI**

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**  
**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ТАРИХ АТАМАЛАРИНИНГ  
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

**ТОШКЕНТ, 2021**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2021 йил 3 декабрь, 8-сонли баённома).  
Тарих атамаларининг изоҳли луғати. Тошкент, 2021. 60 б.

Тақризчи: т.ф.д., профессор Г.А. Агзамова

Тузувчилар: т.ф.н., доц. Ш.Ю.Махмудов, т.ф.д. А.М. Отакўжаев, т.ф.н. Ҳ.М. Мамадалиев, PhD Д.Р. Нормуродов, PhD Г.А. Ачилова, Н.Н. Гулбоев, М.Б. Шамсиев, Д.Э. Бегалиева, С.М. Қўлдошев, З.М. Махмудов, А.О. Тоиров, А.А. Мамаджанов, Ж.А. Сангиров, К.Ш. Қаюмова, С.А. Нурмуҳаммедов, Р.И. Абдуллаев, З.И. Шамсиддинов, М.М. Джураев, Н.О. Жураев.

Ушбу изоҳли луғат ўзбек давлатчилиги тарихида қадимдан ўрта асрларгача бўлган даврда хукмронлик қилган сулолаларнинг давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий ва ҳарбий соҳадаги тадрижий ривожланишидан келиб чиқиб, илмий ҳамда назарий луғатчилик анъаналари, талаблари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган, унга маҳсус тарих атамалари сўзлари киритилган.

500 дан ортиқ тарих атамаларини ўзида жамлаган ушбу луғат, тарихчилар, илмий тадқиқотчилар, доктарантлар, талабалар, турли соҳа мутахассислари ҳамда кенг жамоатчилик оммасига мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти, 2021

**Китобнинг ҳажмидан келиб чиқиб, энциклопедик луғатлар анъанасига  
биноан айрим қисқартмалардан фойдаланилди:**

**ар.** – арабча

**лот.** – лотинча

**мўғ.** – мўғулча

**сўғд.** – сўғдийча

**турк.** – туркийча

**фр.** – французча

**форс.** – форсча

**юн.** – юонча

## Сўз боши

Ушбу “Тарих атамаларининг изоҳли луғати” китоби асосан ўзбек халқи давлатчилиги тарихи ва маданиятига оид ёзма манбалар асосида тузилган бўлиб, соҳага тегишли тўлиқ атамалар ва уларнинг изоҳини қамраб олмаган. Бу китобда халқимиз тарихининг қадимги ва ўрта асрлар даврида кўплаб учрайдиган, аммо ҳозирги вақтда муомаладан тушиб қолган тарихий сўзларнинг асл маъносини имкони борича изоҳлаб бериш ва шу орқали қадимги манбаларнинг кенг жамоатчилик томонидан ўқилишини нисбатан енгиллаштириш мақсад қилиб кўйилган. Мазкур изоҳли луғатни тайёрлашда араб, форс, туркий, сўғдий, мўғул тилида битилган манбалар, археологик топилмалар ва нашр этилган адабиётлардан кенг фойдаланилди.

Луғатда атамалар алифбо тарзида, кетма-кетликда берилиб, унинг қайси тилдан олинганлиги қавс ичida берилиб ўтилди. Хусусан, **ар.** – арабча, **лот.** – лотинча, **мўғ.** – мўғулча, **сўғд.** – сўғдийча, **турк.** – туркийча, **фр.** – французча, **форс.** – форсча, **юн.** – юононча тилидан эканлигини англатади. Айрим атамаларининг изоҳида унинг келиб чиқиши, этимологияси масалаларига ҳам тўхталиб ўтилган.

**АБОБОНА** – Бухоро амирлигига арбоблар фойдасига халқдан йиғиб олинадиган солиқ.

**АВАНГАРД** [фр.] (манглай, олдиндаги қўриқчи) – ҳарбий юришларда асосий кучларни қўриқлаш учун олдинда борувчи аскарий қисм.

**АВОРИЖА** [ар.] – солиқ олинадиган жойларнинг рўйхати. Бу атама айниқса сосонийлар даврида нихоятда машхур бўлган. XVII-XVIII асрларда Бухоро хонлигига солиқ тўлайдиган жойларнинг рўйхати ҳам шу ном билан юритилган.

**АВРАНБАРДОР** [форс.] – хон ва амирларнинг хизматкорларидан бири бўлиб, ҳарбий юриш пайтида хон ёки амир ёнида юрадиган киши. Аврангбардорнинг вазифаси тахти равон, яъни кўчма тахтни олиб юришдан иборат бўлган. Аврангбардорлик лавозими тўғрисидаги маълумотлар XVIII аср манбаларида, жумладан, “Мажмаъ ал-арқом”да тилга олинади.

**АВСАТ** [ар.] – Ўрта Осиё хонликлари худудидаги мадраса талабаларининг ўрта гурӯҳи.

**АВУЛ** [турк.-мўғ.] – кўчманчи чорвадорлар ўрнашган жой; қишлоқ.

**АДАД** [ар.] – сон, рақам атамаларининг Ўзбекистонда XX асрнинг 30-йилларигача кўпроқ ишлатилган шакли. Адад сўзи дона маъносига ҳам юритилади.

**АЙ БИТИГИ** – аскарларнинг номи ва озиғи ёзилган дафтар.

**АЙИЛ** – ўнлик ҳарбий бирикма.

**АЙИЛБОШИ** – ўнлик ҳарбий бирикма бошлиғи.

**АЙМОҚ** [турк.-мўғ.] – туркий, мўғул қабилаларининг уруғи.

**АКИНЧИ** [турк.] – тунда тўсатдан тезкорлик билан ҳужум қилувчи жангчиларга нисбатан ишлатилган. Яъни ақинчи келди деб айтилган. Ақин бу сел, тошқин демакдир.

**АЛБАНИ** [мўғ.] – чингизийлар даврида маҳсулот билан тўланадиган солиқ тури.

**АЛБИСА** [ар.] – либослар.

**АЛВИЯ** [ар.] – байроқлар.

**АЛП** [ар.] – ботир қаҳрамон.

**АЛПАҒУТ** [турк.] – жасур жангчилар боши деган маънени англатади.

**АМИН** [ар.] – бир неча хил маъноларни англатади. 1. Бухоро амирлигига туман ёки қишлоқ оқсоқоли. 2. Бозорда сотувчилардан солик ундирувчи мансабдор. 3. Мустамлака даврида Фарғона водийси, Самарқанд, Каттақўргон уездларининг айрим волостларида халқ томонидан сайланиб бир ёки бир неча кичик қишлоқни бошқарувчи амалдор. Бухоро амирлигига амин амлокдорга, Туркистон ҳарбий губернаторлигига эса волост бошлиғига итоат этган.

**АМИНОНА** [ар.-форс] – Бухоро амирлиги худудида, Самарқанд ва Фарғона бозорларида XVIII-XX аср бошларида чорва ва озиқ-овқат молларини сотувчи кишилардан ундириладиган маҳсус бозор ҳақи. Шунингдек, Ўрта Осиё худудидаги аминлар фойдасига йиғиб олинадиган солик ҳам аминона дейилган.

**АМИР** [ар.] – кўшин бошлиғи.

**АМИР ИСФАҲСОЛАР** [ар.-форс] – Рай ўлкасининг ҳарбий қўмондони ва беги.

**АМИР ҚУЛ** – бош қўмондон.

**АМИР УЛ-УМАРО** [ар.] – амирлар амири, олий амир деган маънени англатган. Олтин Ўрда, Чифатой улусида бутун ҳарбий ишлар унинг тасарруфида бўлган. Бундан ташқари, Амир ул-умарога ҳукуматнинг барча бош ижроия идоралари ҳам буйсунган. Амир Темур ва темурийлар даврида амир ул-умаро фақат олий бош қўмондонлик, айрим ҳолларда, ҳукмдорнинг худайчиси бўлган.

**АМИРИ ЛАШКАР** – хонликда энг юқори ҳарбий унвон. Лашкар бошлиғи, қўмондони.

**АМИРИ ЎРДА** – қароргоҳ бошлиғи.

**АМИРИ ШИКОР** – (Мири шикор) ов бошлиғи ёки соҳиби. XV-XV асрларда кўчманчи ўзбек хонлари даврида мавжуд булган давлат мансабларидан бири. Бу мансабни олган амирлар зодагонлар ҳаётида, айниқса, хонлар ва султонлар ҳаётида муҳим бўлган хон овини ташкил қиласар эдилар.

**АМИРЛИК** – мусулмон мамлакатларида амир томонидан бошқарилган мамлакат. XVIII асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Бухоро хонлиги Бухоро амирлиги деб юритилган.

**АМЛОК** [ар.] – катта ер эгалиги; мулклар, ер-сув, киши тасарруфидаги нарса ва буюмлар амлок дейилган; Бухоро амирлигига солиқни тақсимлаш бирлиги хисобланган; XVI-XIX асрларда Бухоро ва Кўкон хонликларида феодал ер эгалигининг бир тури бўлиб, давлат олдидаги хизматлари учун шахзодалар, лашкарбошилар ва амалдорларга инъом қилинган ер-сув амлок дейилган.

**АМЛОК ЕРЛАР** – Бухоро амирлигига ер мулкчилигининг асосий шакли. Амлок ерлар амир ихтиёрида бўлиб, дехқончилик қилиш учун айрим кишиларга берилар эди. Амлок ерларга экин эккан дехқонлар давлатга – хирож ва бошқа соликлар, йиғимлар тўлаганлар.

**АМЛОКДОРХОНА** – Бухоро амирлигига аҳолига амлок солиш ва уни ундириш билан шугулланувчи амлокдорнинг маҳкамаси.

Анахита-Зардуштийликда ер-сув, ҳосилдорлик, фаровонлик илоҳаси.

**АНГОР** [эрон.] – қадимий даврлардаги майдон ўлчови. Одатда, атрофи уват билан ўралган яхлит экин майдони бир ангор дейилган. Шунингдек, ўрта асрларда ва қисман ҳозирги кунда ҳам ҳосили йиғиб олинган экинзор, масалан, буғдой зор, арпапоя ҳам ангор – ангора деб аталади.

**АПА-ТАРХОН** – қадимги туркча апа “аждод, ота” ва тарқан “тархон, катта имтиёзга эга амалдор” сўзларидан ташкил топиб, битиктошларда бошвазир Тўнюқуқ (682–726) билан боғлиқ равишда учрайди. Битиклар мазмунидан ушбу унвон Тунюқуқнинг асосий унвонларидан бири бўлган ва у бир муддан хоқонликнинг бош кўмондони сифатида бўлган.

**АРАТ** [мўғ.] – нўёнларга бўйсунувчи ҳамда уларнинг турли юмушлари (асосан уларнинг чорваларини боқишига масъул бўлишган)ни бажарувчи қарам киши, мўғул чўпони.

**АРБАЛЕТ** [лот.] – (тахш, тахтан) отувчи қурол. Ёғоч күндоққа ўрнатилған пўлат камон; камон ипи чиғир билан тортилған. Милтиққа ўхшаб отилади ва унинг ўқи камон ўқидан қисқа бўлади.

**АРБАНИ** [мұғ.] – ўнлик қўшин тури.

**АРБОБ** [ар.] – XVIII-XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги қишлоқ ва шаҳарларда маҳалла бошлиғи, оқсоқол, қишлоқ мироблари бошлиғи арбоб деб аталған. Ҳозирги кунда ижтимоий–сиёсий ҳаёт, маданият ва фан соҳасидаги машхур кишилар арбоб дейилади.

Ардвисура-зардуштийларнинг дарё ва сув худоси. “Авесто” нинг яшт китобидаги 5-боб унга бағишланған (“Ардвисура-яшт”).

**АРИЗАЧЎП** – узунчоқ, ичи ғовак, чиройли ишланған, сирти нақшланған ёғоч ғилоф. Бухоро, Хива ва қуқон амалдорлари бир–бирига ёзган ариза, нома ва илтимосномаларини аризачўпда чопарлар орқали юборғанлар.

**АРШИН** – бир аршин – 65,2 см.дан 112 см.гача бўлиб, ўртacha қиймати 71,12 см. тенг қилиб белгиланған.

**АТАМАН-ТАРХОН** – қадимги туркча ата “ота, аждод” ва ман (сифат ясовчи қўшимча) асосида ясалған эпитет. Ушбу эпитет “тархон” унвонига қўшилиб ишлатилиб муайян унвон яратилған. Уни айрим тадқиқотчилар таман–тархон шаклида берсалар, айримлар эса “Туман тархон” шаклида беришган. Ўрта асрларда бир қатор славян халқларида ҳарбий бошлиқларга нисбатан қўлланилған атаман унвони ҳам келиб чиқиш жиҳатидан ушбу қадимги туркча эпитетга бориб тақалади.

**АТИМ ЭР** – ўқ отишга уста одам мерган.

**АТТОР** [ар.] – дастлаб атир-упа ва бошқа хушбуй пардоз-андоз моллари сотувчи кишига нисбатан ишлатилған. XIX–XX аср бошларида эса кундалик ҳаётда керак бўладиган барча майда-чуйда моллар билан савдо қиласиганлар ҳам атторлар деб юритилған.

**АФШИН** [*сүзд.*] – Усрушона хукмдорларининг унвони. Масалан, Афшин Ҳайдар – Уструшона хукмдори, ҳарбий саркарда. Араб халифалиги хизматида бўлган.

**АҲРИМАН** – зардуштийлик динида зулмат, очлик, ўлим, гуноҳ ва қибихликлар илоҳи.

**АҲУРАМАЗДА** – зардуштийлик дининг бош худоси, эзгулик худоси, инсонга доимо яхшиликни раво кўрувчи илоҳий куч.

**АШУҚ** [*турк.*] – жангларда жангчининг бошин ҳимоя қиладиган темир дубалға, қалпоқ.

**АЪЛАМ** [*ар.*] – фақиҳ олим ва шариат қоидаларининг билимдони.

**АЪЛОМ** [*ар.*] – яловлар, байроқлар.

**БАЙДОҚДА** – “пиёда” деган сўздан олинган бўлиб, араблар томонидан Мовароуннаҳр босиб олингач ҳарбий истилоҳ сифатида “байадок” ва “биёзақ” шаклида фойдалана бошланди. Бу термин биринчи марта Жамол Қаршийнинг “Мулҳақот би-с-Суроҳ” асарида учрайди.

**БАКТАР** – темир нимча, камзул. Темирдан ясалган ва ҳар икки томони баҳмал билан қопланган танани ҳимоя қилувчи либос: *багтар* варианти ҳам мавжуд.

**БАҚТРИЯ ЁЗУВИ** – милоддан аввалги IV аср охиригacha қадимги Бақтрия худудларида оромий ёзуви ишлатиб келинган. Кейин Бақтрияда маҳкама тили ва ёзуви юонча бўлган. Кейин милоддан аввалги III-II асрлар чегарасида оромий ва қадимги юон алифбосига асоосланиб Бақтрия ёзуви ишлаб чиқилади. Бизгача юздан ортиқ бақтрия ёзуви наъмуналари ва сўzlари етиб келган. Бақтрия ёзуви топилмалари асосон милоддан аввалги I-аср ва милодий I асрларга тааллуқли бўлиб, бақтрия тили ва ёзуви унча яхши ўрганилмаган.

**БАНДАК** [*форс.*] – XIX-XX аср бошларида Ўрта Осиёда хотин–қизлар кийими хисобланган паранжининг елкадан ён томонга осилтириб тикилган икки енгсимон кисми бандак деб аталган. Шунингдек, хунармандлар ҳам кулоллар чархида лойдан

ясалган хом идишларни текислаш ва силлиқлашда ишлатиладиган чарм, латта ёки кигиз бўлагини бандак деб аташган.

**БАРИД** [ар.] – 1. Чопар, хат элтувчи, почтальон. 2. XIV-XVI асрларда Ўрта Осиё халқарида кенг қўлланилган масофа ўлчови бўлиб, икки фарсах, яъни тахминан ўртача 12 км га teng йўл бўлган.

**БАРОНГОР** [мўз.] – қўшиннинг ўнг қаноти. Арабчада маймана: “Махмуд Султонни баронғорда сақлади, жавонғорни эса Ҳамза султон ва Мади султонга топшириди, буронғор ҳам дейилган.

**БАРОНГОР ҲИРОВУЛИ** – ўнг қанот авангарди.

**БАРОТ** [ар.] – ижара демакдир. Барот солик йиғишнинг бир кўриниши бўлиб, бунда соликлар маҳаллий амалдорлар томонидан аввалдан бир йўла тўлаб юборилган, сўнгра улар аҳолидан йиғиб олинган. Одатда барот мўғулларга бериб юборилган соликдан кўпроқ миқдорда олинган.

**БАСИФ** [турк.] – душманга тунда пистирма қўйиладиган жойга нисбатан ишлатилади.

**БАТРАҚ** [турк.] – учига маҳсус ипакли осилган ёғочки жангларда шу билан ўзини белгили қиласи.

**БАЧКАМ** – белги, нишон. Ботирлар уруш кунларида ипакли нарса ёки ёввойи сигирнинг думини жанг белгиси тарзида тақиб оладилар.

**БАШАҚ** – камон ўки ва найзани темир уни.

**БАШНАҚ ЭР** – совутсиз қуролсиз жангчи.

**БЕК** [турк.] – қабила бошлиғи, оқсоқоли, у ҳарбий гурухларга ҳам бошчилик қилган, бий.

**БЕКЛАРБЕГИ** – Кўқон хонининг Тошкентдаги масъул вакили, лашкарбоши

**БЕҲИСТУН БИТИКЛАРИ** – Шимолий Эронда, Кирмоншоҳ шаҳри яқинида, тоғ оралиғидан ўтган қадимги савдо йўли ёқасидаги қояга аҳмонийлар ҳукмдори Доро I (522-486) нинг тошга қадимги форс, эlam ва аккад тилларида ёзdirган